



РАДИКАЛЛАШУВНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВР ТАЛАБИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
академияси магистратураси тингловчиси
подполковник Иноқов Бахтиёр Рахимжонович*

Аннотация. Мазкур мақолада радикализм ва унинг замонавий жамият тараққиётига салбий таъсири таҳлил қилинади. Радикализмнинг моҳияти, унинг экстремизм ва терроризм билан узвий боғлиқлиги ҳамда глобаллашув шароитида намоён бўлиш хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, диний радикализмнинг шаклланиш омиллари, ёшлар онгига таъсир етувчи ижтимоий-психологик сабаблар, ахборот маконининг роли ҳамда радикаллашувнинг жамият хавфсизлигига таҳдидлари кўриб чиқилган. Муаллиф радикализмнинг олдини олишда танқидий фикрлашни ривожлантириш, маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, ахборот маданиятини юксалтириш ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб етишини таъкидлайди.

Калит сўзлар: радикализм, радикаллашув, экстремизм, терроризм, диний радикализм, глобаллашув, ёшлар, ахборот хавфсизлиги, бағрикенглик, танқидий фикрлаш.

Abstract. This article analyzes radicalism and its negative impact on the development of modern society. The essence of radicalism, its inextricable link with extremism and terrorism, and the features of its manifestation in the context of globalization are discussed. The factors of formation of religious radicalism, socio-psychological reasons influencing the consciousness of young people, the role of the information space, and the threats of radicalization to the security of society are also considered. The author emphasizes that in preventing radicalism, the development of critical thinking, strengthening spiritual and educational education, raising



information culture, and strengthening the principles of tolerance are of great importance.

Keywords: radicalism, radicalization, extremism, terrorism, religious radicalism, globalization, youth, information security, tolerance, critical thinking.

Аннотация. В данной статье анализируется радикализм и его негативное влияние на развитие современного общества. Рассматривается сущность радикализма, его неразрывная связь с экстремизмом и терроризмом, а также особенности его проявления в контексте глобализации. Также учитываются факторы формирования религиозного радикализма, социально-психологические причины, влияющие на сознание молодежи, роль информационного пространства и угрозы радикализации для безопасности общества. Автор подчеркивает, что в профилактике радикализма большое значение имеют развитие критического мышления, укрепление духовно-воспитательного образования, повышение информационной культуры и укрепление принципов толерантности.

Ключевые слова: радикализм, радикализация, экстремизм, терроризм, религиозный радикализм, глобализация, молодежь, информационная безопасность, толерантность, критическое мышление.

Янги минг йилликнинг характерли хусусияти экстремизм, айниқса, унинг энг хунук шакллари дан бири – терроризмдир. Декларация ва резолюциялар қабул қилиниб, терроризм ва зўравон экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий, минтақавий ва глобал характерда режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ушбу ходисага қарши кураш узоқ давом этмоқда ва унинг кўлами, частотаси ва намоён бўлиш шакллари, хатти-ҳаракатларининг шафқатсизлиги ва воситалардаги виждонсизлик даражасининг ортиши фонида турли муваффақиятлар билан олиб борилмоқда.

Экстремизмнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг энг муҳим шарти, унинг ғоявий-эмоционал асоси радикализм эканлиги аниқланди. У ёки бу



Ўзига хос радикализм тури экстремистик қарашлар ва амалиятларнинг ўзига хос моделини шакллантиради, уларни тузади ва кучайтиради. Бугунги кунда радикаллашувнинг асосий кўриниши сифатида диний радикализм намоён бўлмоқда. Диний радикализм катта бузғунчилик кучига эга, чунки у жамият учун муҳим бўлган кадриятлар ва муносабатларни шубҳа остига қўяди, ижтимоий ва диний ақидалараро куч асос бўлиб хизмат қилади, бу эса ўз навбатида одамларни ноқонуний хатти-харакатлар содир этишига, радикал ғоялар ортидан турли салбий оқибатларга олиб келади. Радикализм (лотинча *radix* – илдиз) – сиёсий тузум ва ижтимоий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи сиёсий, диний оқим.

Радикализм умумэтироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади. Тарихда бу атама мўътадил психолог тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланган. Радикализм – муайян шахс ёки гуруҳнинг мавжуд ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолатини тубдан ва муросасиз ўзгартириш истагидан иборат жараён дир.

Радикализм жараёнлари диний йўналишда ҳам кузатилиши мумкин. Бунда шахс ўз диний эътиқодини ҳақ деб билиб, ўзга эътиқодий қарашлар ва фикрларга муросасиз ва кескинлик асосида ёндашади ҳамда уларни зўрлик йўллари билан ўзгартириш тарафдори бўлади. Бу ҳолат кўпинча жамиятда мавжуд турли диний конфессияларга кескинлик билан ёндашиш, бир дин доирасидаги ўзига хос ёки қарашлар муросасиз инкор этиш ҳамда уларни рақиб сифатида қабул қилинишида намоён бўлади. Радикализм умумэтироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади. Тарихда бу атама мўътадил психолог тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланган. Ҳозир қатор сўз сиёсий партияларга нисбатан ҳам радикализм тушунчаси қўлланади.



Глобаллашув жараёнида кишиларнинг ўз миллати ва Ватани учун қайғуриши, унинг ривож ва озодлигини исташи бу яхши, ҳар бир инсонга безак бўла олувчи туйғу. Бироқ, бундай интилиш кишида инсон маънавий меъёрларини четга суриб қўйилган бўлса, бунда у ўта доирадан чиқиб кетган бўлади – радикаллашиш асосида экстремизм ва бошқа – жиддий иллатларга учор бўлади. Айрим радикаллар ханузгача бу атаманинг этимологиясидан (лотинча “илдиз”, “келиб чиқиш” деган маънони англатади) келиб чиққан асл маъносини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Улар 1960-1980 йиллардаги дунёдаги энг машҳур радикал сиёсий арбоблардан бирининг сўзларига таянадилар.

Асосан радикализмнинг шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар бу болаликдаги таълим тарбия, шахснинг ўзига хос хусусиятлари яъни ўзига паст баҳо бериш ва ўзини мутакаббир тутмоқ ҳамда хулқ - атворидаги барон қилиш ва емирувчи ёд ғоялардир. Фикримизча ҳозирги кундаги ёшларда радикализм тушунчасининг пайдо бўлиши бу ёшлардаги тажрибасизлик ва ҳосисётга таянган ҳолда иш юритиши, ташқи таъсир натижасида руҳий ҳолатнинг ўзгарувчанлиги руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидамсизлиги жиҳатлари эътиборга бугунлай четда қолиши асосий сабаблардан биридир. Яна қўшимча равишда шуни таъкидлаш керакки, ахборотларни тўлақонли таҳлил қилмаслик, ижтимоий тармоқларда инсоннинг фикрига ёд ғояларни сингдирадиган гуруҳларга аъзо бўлмоқ ҳар хил турдаги нарсаларга ишонувчанлик каби қатор омиллар радикализм сабабларидан яна биридир.

Радикаллашув ижтимоий касаллик сифатида, жамиятнинг турли эт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитетини сусайтиради, терроризм, мутаассиблик, экстремизм ва бузғунчиликнинг бошқа шакллариغا йўл очади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, глобаллашув жараёнида энг муҳим ўрин қаратиладиган жиҳат ҳар бир инсоннинг радикализм борасидаги фикр ва



гояларни яхши билмоқлиги, унинг мақсадлари нималигини ҳамда натижаси нималарга олиб келишини билмоғи лозим. Шунинг учун биз жамиятнинг онгли азоси сифатида ижтимоий медиа ва рақамли дунёнинг инсонлар ва жамиятларнинг онгини манипуляция қиладиган кучи ва таъсирини ҳисобга олишимиз керак. Ўзимиз эътиққан ва баҳам кўрган ахборотларга бўлган ҳамма нарса бизнинг мўътадил қадриятларимиз ҳамда ахлоқий туйғуларимизга мос бўлиши керак.

Ушбу мураккаб муаммони ҳал қилиш ижтимоий-иқтисодий тенгсизликларни бартараф этиш, маданий тушунишни ривожлантириш ва бағрикенглик ҳамда танқидий фикрлашни рағбатлантирадиган таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштирадиган комплекс ёндашув талаб қилади. Радикализмнинг илдизларини тушуниб, жамиятлар экстремизмга тушқинлик қиладиган ва инклюзивликни тарғиб қилувчи муҳит яратишга ҳаракат қилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. *Жўраев Н.* Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар: Ўқув қўлланма. –Т.:, 2010. –Б. 28.;

2. *Закурлаев А.* Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар ва бу ташкилотларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифалари ва жамоят ташкилотлари билан ҳамкорлик: Услубий қўлланма. – Т., 2017.;

3. *Закурлаев А., Ахунов Б.* Диний экстремизм ва террорчилик. –Т., Янги аср авлоди, 2014.- Б. 66.; Ислом инқилоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) /

4. *Исмаилов И., Мамадалиев У.* Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – 2013. 4-сон. – Б. 50-53.;



5. *Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н.* Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид: Маърифий – услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2019.;

6. *Кремер Г.* Ислом – дин ва давлат: исломда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2013. – Б. 102.

7. *Хасанов А., Юсупов О., Шермухамедов К. ва бошқ.* Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / – Т.: Моварауннаҳр, 2013. – 160 б.